



Фарғона ҳақиқати

Тилингдан олдин қалбингни тарбия қил. Чунки сўз қалбдан келиб, тилдан чиқади. Жалолиддин Румий.

t.me/farhaqiqati

http://farhaqiqat.uz/

№ 49



Тараққиёт мезонлари

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

2021 йил 15 июнь, сешанба

(24542)

Сойтимицага ўтиш учун QR коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

ВИЛОЯТДА жорий йилнинг биринчи чораги учун бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари 668,2 млрд. сўм этиб белгиланган бўлса, амалда 682,5 млрд. сўмга ёки 14,3 млрд. сўмга ортиғи билан бажарилди.

“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС АСОСИ



нафар ёшга мураббий”, “Замон қаҳрамонлари” сингари йигирмага яқин йўналишда учрашувлар, маърифий суҳбатлар, бадий кечалар ўтказилиши режалаштирилган.

— Учинчи ренессанс биринчи навбатда юксак маънавият, китобхонликни талаб этади, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Ҳумоюн Акбаров. — Ҳозирги кунда кенг аҳоли қатламлари, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш учун бу каби тадбирларни ўтказишда янги ва таъсирчан усуллардан самарали фойдаланиш зарур.

Матбуот анжуманида вилоят ҳокими ўринбосари Файзулло Қосимов қатнашиб, фестивал кунлари ранг-баранг мавзулардаги тадбирлар унутилмас таассуротларга бой тарзда ўтишига ишонч билдирди.

Фестивалнинг биринчи кунини Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаби, Ёзёвон тумани маданият марказида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шiori остида маънавий-маърифий тадбирлар, “Маърифат соати” тадбири доирасида Марказий банкнинг Фарғона вилоят бош бошқармаси ҳамда Фарғона шаҳар ИИБда учрашув, Олтиариқ туманида китоблар фарзандларига ибрат бўлса, юртимизда маънавиятли ва маърифатли авлодлар сафини кенгайтириш бўлиб ўтди.

Қўқон университетиде “Фол фуқаро” дебат клуби аъзолари билан учрашув ҳамда тарихий ўрда майдониде ўтказилган Мақом кечаси барчада унутилмас таассуротлар қолдирди. — Ҳар бир оилада китобга боғлиқдан меҳр уйғотиш керак, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шохиди Исмоилова. — Китобхонлик борасида ота-оналар фарзандларига ибрат бўлса, юртимизда маънавиятли ва маърифатли авлодлар сафини кенгайтириш бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз. Суратларни Элёр ОЛИМОВ олган.



Бугунги глобллашув жараёнида дунёнинг ҳар қарич ерида инсон онги ва тафаккури учун жиддий кураш кетаётгани айтиш мумкин. Бирда ёвуз, бирда маданият кўринишидаги бу кураш ҳар биримиздан атрофга теран назар ташлаш, жаҳонда кечаётган турфа жараёнларни ақл ва тафаккур билан сарҳисоб этишга ундайди.

Б у борадаги ишлар кўламини замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига муносиб тайёргарлик кўриши мақсадида барча ҳудудларда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам “Маънавият фестивали”ни ўтказиш белгиланди. 14-17 июнь кунлари вилоятимиз шаҳар-туманлари бўйлаб катта тантанасида нишонланадиган фестивал доирасида 14 та йўналишда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. 14 июнь кунини Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси

мажлислар залида “Маънавият фестивали” олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда республика “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раиси Бахтиёр Ҳусанов бошчилигидаги фан, таълим, санъат арбоблари, журналист ва блогерлар иштирок этди.

Таъкидлаб ўтилганидек, фестивал кунлари “Янги Ўзбекистон – янги ренессанс сари!” “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”, “Янги Уйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошланади”, “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий”, “Маърифат соатлари”, “Фол фуқаро”, “Бир нуруний – беш

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ: ҲАЁТБАХШ ДАСТУРЛАР РЎЁБИ

Ш унингдек, биринчи чорак учун маҳаллий бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари 602,3 млрд. сўм этиб белгиланган бўлиб, амалда бюджетга 752,5 млрд. сўм даромад туширилди ёки маҳаллий бюджет иштирокида 150,2 млрд. сўм қўшимча маблағлар шакллантирилди.

Ҳозирги кунда туманда тадбиркорликнинг замонавий турлари – юридик, консалтинг, меҳмонхона ва интернет хизматлари жадал ривожланыпти. Суғурта, молия ва банк соҳасидаги қўлайликлар ҳажми тобора ортиб бормоқда.

Ҳаётбахш дастурларни рўёбга чиқариш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни рағбатлантиришда бу маблағлар жуда зарур. Мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи билан маҳаллий ҳокимликлар иштирокида қолдирилаётган қўшимча маблағлар секторлар раҳбарларининг дахлдорлик туйғусини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

— Муҳтарам Президентимизнинг жорий йил 4-5 февраль кунлари вилоятимизга ташрифи доирасида туманимиз кесимида 192 млрд. 250 млн. сўм бўлган 46 та лойиҳалар шакллантирилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши ҳисобига 650 га яқин янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган, — дейди Бағдод тумани ҳокими Восилжон Назаров. — Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда йил якунига қадар хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида 250,3 млрд. сўмлик 237 та лойиҳа ишга туширилиб, 1 минг 250 нафарга яқин ҳаётимизимиз янги иш жойлари билан таъминланади.

Бундай қувонарли натижалар вилоятнинг яқингача ҳам иқтисодий жиҳатдан ноҳор, қолоқ ҳудудлари сирасига киритилган туманлар мисолида яққол кўзга ташланаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Мисол учун, Ёзёвон туманида 2021 йилнинг беш ойи мобайнида 14 млрд. 340 млн. сўм маблағ жалб қилиниб, режа ижроси 4 млрд. 486 млн. сўмга ортиғи билан уфдаланди. — Шу йилнинг беш ойида 232 та янги ҳўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилиб, уларнинг ҳисобига 500 га яқин мўким иш ўринлари яратилди, — дейди Ёзёвон тумани ҳокими Дилшоджон Жалилов. — Иккинчи чоракда маҳаллий бюджетга режага нисбатан 5 млрд. сўм қўшимча маблағ жалб этишни режалаштирганмиз.

— 2021 йилнинг январь-май ойларида туманда 1026 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишига эришилди. Солиқ базаси кенгайтириши ҳисобига маҳаллий бюджет тушумлари салмоғи ортиб бормоқда.

— Шу кунга қадар 2 та сув минораси таъмирланди, 5 километр тоза ичимлик сув тармоқлари тортилди, 123 та электр таянч устунлари алмаштирилди, 1 та

трансформатор ўрнатилди, 3 километрдан ортиқ ички йўллар шағалланиб, бир километрга асфальт ётқизилди, — дейди “Яккатут” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилафруз Собирова. — Ҳудудимизда 6 миллиард сўмдан ортиқ бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилди. Маҳалла аҳли ҳам ҳар жиҳатдан ёрдам бермоқда. Уларнинг сазў-ҳаракати билан 2 километр тоза ичимлик сув учун қўшимча тармоқ тортилмоқда, “Яккатут” зияратоғи таъмирланмоқда, йўллари тартибга келтириш, шағаллаш ишларида кўпнинг кўмаги қўл келяпти.

Бундан ташқари ишлар борлиғи ҳам ойдинлашди. Маҳалла ҳудудидаги бир ки-

лометрдан ортиқ ариқларни тозалаш, тартибга келтириш ишлари ҳалигача бошланмаган. 6-умумтаълим мактабининг спорт зали ва иссиқлик тизимини таъмирлаш кўзда тутилган бўлса-да, амалий ишга қўл урилмаган, қурилиш бошлаш учун экспертиза хулосаси ҳам олинмаган.

“Обод қишлоқ” дастури ижроси қандай? Ваъда бошқа, иш бошқа ёки Яккатут ва Тожик қишлоқларида аҳвол қачон ўнгланади?

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури чекка қишлоқ, маҳаллаларда умргузаронлик қилаётган одамлар ҳаёт тарзига ўзига хос ўзгаришлар олиб кирди.

У чқўприқ туманида дастур доирасида Яккатут ва Тожик қишлоқларида кенг қўламли ишлар бошланган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилляпти, бир неча йиллардан буён тозаланмай қолган сув тармоқлари, йўл ва йўлакларни таъмирлаш, ноқонуний ва ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларни тартибга келтириш, тоза ичимлик суви етказиб бериш, газ, электр энергияси билан боғлиқ муаммоларга ечим топилаётган.

— Яқинда бир гуруҳ вакиллар келишиб, эртага иш бошланади дейишганига ҳам бир ҳафта бўлди, — дейди мактаб директори Азизахон Аъзамова. — Бироқ амалий ишдан дарак йўқ. Бу биринчи бор эмас. Илгари ҳам келишган, ammo ҳеч нарса ўзгармади. Қурувчиларни қутиб, вақтимиз ўтяпти. Шу сабабли ўз имкониятимиздан келиб чиқиб, ўқув хоналарини бир амаллаб таъмирлашга ҳаракат қилляпмиз. Давлат дастури асосида жорий таъмирланиши зарур бўлган 22- мактабга таълим ташкилоти умумтаълим мактабига туташ жойлашган. Бу ердаги манзара ҳам қувонарли эмас. 160 на-



фар болалар катновига мўлжалланган таълим масканида 235 нафардан ортиқ кичкинтойлар жамланган. Хоналар, ўйин майдонлари етишмайди. Тор, кераклик шарт-шароитлар йўқ. Таълим муассасаси ошхонаси болалар гуруҳи учун мослаштирилган.

— Таъмирлаш учун керакли маблағлар ажратилди, лойиҳа ҳўжатлари тайёрланган, ammo амалий ишлар бошланмаган, — дейди мудира Муҳайёхон Хайитова. — Бу ишларни ким, қачон бажаришини билмаймиз. Дастур асосида бошланган ишлар базми бир мутасаддиларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги сабабли кечикмоқда.

— “Тожик” маҳалла фуқаролар йиғинида дастур билан боғлиқ ишлар ўз холига ташлаб қўйилган, ободончи-

лик ишлари ўлда-жўлда. Мутасаддилар бўлса ваъда беришдан нарига ўтгани йўқ, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари Тоҳиржон Куролов.

— Қишлоғимизда 2,5 километрга яқин йўл асфальтланиши, яна шунчаси шағалланиши, 170 дан ортиқ электр устунлари алмаштириш, янги подстанция, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш белгиланган. Шунингдек, 7,5 километр масофада сув тармоғи тортилиши режалаштирилган.

Афсуски, бу ишлар ҳали бошланмади.

Дарҳақиқат, қишлоқда 2 та умумтаълим мактаби, 1 та боғча, 1 та оилавий поликлиника дастур доирасида таъмирланиши, замонавий шарт-шароитлар яратилиши белгиланган. Лекин ҳали ҳеч қандай амалий ишга қўл урилмаган, ҳатто қурилиш экспертиза хулосалари олинмаган.

Маҳалла фуқароларининг қувонганича бор. Сув тармоқларига тоза ичимлик суви келмай қолганига анча йил бўлди. Аҳоли эса уни ташиб келади. Унқир-чўнқир йўллари таъмирлаш, пасткам деворли уйлари тартибга келтириш, ободонлаштириш, қўлбола симёғочлар алмаштирилиши керак.

Иш бор жойда камчилик бўлади. Бироқ, ташаббус бўлмаган жойда тараққиёт бўлмайди. Шундай экан, муаммолар ечимига эътибор қаратиш бугунги куннинг муҳим амалларидан. Чунки вақт қутиб турмайди.

Расулжон КАМОЛОВ.




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Қисқа рақамларда:

Худудда жорий йил 11 та кўп қаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.



4 та янги умумтаълим мактаби ва 4 та болалар боғчаси бунёд этилди.



Туманда 1735 нафар тадбиркор фаолият олиб боради.

Бу йил ҳудуднинг экспорт салоҳияти 6 937,1 миң доллардан ошди, 36 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.



Бахту баракага бой юрт, БУВАЙДА!

Туманнинг бугунги муродбахш кунлари, истиқлолга муносиб одимлари кўнгилларни шод этади.

Меҳнат ва яхшиликка ошурфта одамлар, сўлим боғ-роғлар, ободлик ва фаровонлик сари қадам қўяётган қишлоқлар, айниқса, қўлларидан китоб тутганча, юксак парвозларни қўзлаётган дилбандларга боқиб, Бувайданинг бахти баркамол, толеи порлоқ бўлишига катта умид уйғонади юракда.

Она элга меҳнатсеварлик нурини таратаётган маконга сафар қилиб, унинг бағридан топган ҳайратларимизни гулдаста қилдик.

Тумандаги аксар қишлоқларнинг иккита номи бор. Масалан, Шўр қишлоқнинг иккинчи номи Қўрпачилар, Оққўрғонники Анжир қишлоқ, Тандир қишлоқнинг номи аслида Гул эканлигини унча-мунча ёши катталар ҳам билмайди. Аслида иккинчи ном қишлоқ аҳлининг қайси йўналишдан даромад топишини билдиради. Содда қилиб айтганда, ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла маълум йўналишга "ихтисослашган". Кўчатчиликда Найман, қалампир етиштиришда Инғирчоқнинг донғи бутун республикага ёйилгани бежиз эмас.

ТОҒЛИҚ АҲЛИНИНГ ИРОДАСИ ТОҒДАЙ

“Барака – меҳнатда”, – дейди улар



Биз борган ҳудуд — “Тоғлиқ” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси эса ҳар соҳада фаол. Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами билан манзилли иш олиб бориш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган юртдошларимиз муаммоларини “хонадон-бай” ҳал этиш орқали уларнинг ҳаёти ижобий ўзгаришларга юз тутмоқда.

Шаҳноза Маҳкамованинг Тоғлиққа келин бўлиб тушганига 20 йилдан ошди. У рўзгор ишидан ортиб, оилага қўшимча даромад келтиришни истарди. У “Аёллар дафтари”га ва ўғли “Ёшлар дафтари”га киритилди.

—Туман ҳокимлигидан вакиллар келиб, шароитимизни ўрганишди. Сўнг иккита тикув машинаси ажратилди. Давлат томонидан ўқитишди, иш ўргатишди. Ўзимга ишонч ҳосил қилгач, ёстиқ жилд тикишни бошладим. Ҳозир ярим тайёр маҳсулот олиб, шунни тиякпаман. Ёнимга “Аёллар дафтари”даги қўшниларим ҳам қўшилди, — дейди у мамнулик билан.

Ҳозир Шаҳноза опа ҳам, ўғли ҳам “дафтар”дан чиққан. Оиласи даромадли, ҳаёти фаровон бўлиб бораётган она учун шунинг ўзи бахт.

Тоғлиқлик ёш тадбиркор Исломонов Нишонов 27 ёшда. У 2014 йили устага шогирд тушди. 2018 йили банкдан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, мустақил иш бошлади. Устахонада шкаф, стол-стул, кресло, диван каби мебель жиҳозлари тайёрланади. Исломонов ўзи каби тўрт тенгдошини ҳам иш билан таъминлади. Беш нафар шогирдига хунар сирларини ўргатяпти.

Қишлоқда “Ёшлар дафтари”га киритилган 72 нафар йигит-қизнинг 45 нафарига 10 сотихдан ер ажратилган. Икки нафар ёш “Ватанпарвар” ташкилоти томонидан бепул ҳайдовчиликка ўқитилди. Навбатда яна 5 нафари турибди. Айримлари имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлигини йўлга қўйди. Хуллас, “дафтар” даги номлар кундан-кунга қисқариб бормоқда.

Саксон икки ёшли Чўлпоной ая пилла хашари баҳона маҳалла-қўй, қариндош-уруғни кўриб бир қувонса, барглар орасида қумушдек товланаётган пилла доналарига қараб, кўнгли янада кўтарилди.

— Болалигимиздан ипак курти боқиб улгайдик. Ҳўвчилик йилларимиз ҳам тонг саҳардан “барг”га кетардик, — дейди оила бекаси, пиллакор Салима опа. — Катталар ўз иши билан банд, биз эса тут териб, ердик. Шу тариқа кўзимиз пишди. Бу йил “Ота макон” фермер хўжалигидан таклиф билан келишганида, бажонидил қабул қилдик. Қайнонам — уста пиллакор. Барча ишга бош-қош бўлди. Уч қўти ипак куртидан 200 килога яқин пилла топширдик. 4 миллион сўм даромад қилдик, ўғлим ва икки келинимнинг меҳнат дафтарчасига бир йиллик иш стажы ёзилди.

Бугун “Тоғлиқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳар бир хонадон ўзгаришлардан мамнун. Асфальт қилинган кўчалар, янги ўрнатилган сув “минора”си, 3 та уй-боғча, маҳалла болалари учун қурилган 120 ўринли бошланғич мактаб биноси — ҳамма-ҳаммаси бугунги ўзгаришлар натижаси. Бир сўз билан айтганда, маҳалла ободликка юз тутди.

Бувайдани яхши билмаганлар ҳам унинг Қаҳрамон фарзанди Патилахон она Эргашевани яхши танишади, ҳурмат қилишади. Бу ҳам момо ернинг саодати, она тупроққа берилган меҳрнинг ҳосиласи ахир.

ПАТИЛА ОНАНИНГ ҚАҲРАМОН ДАЛАЛАРИ

Хали бола пайтиданок ер билан тиллашишга киришган Патилахоннинг умри ота-боболари каби далаларга ошурфта ўтаётди. У чўл ҳавосининг инжиқликлари, табиатининг бирда хуш, бирда нохуш эркиликларига қарамай, 70 гектарлик майдонда элининг ризқ-у насибасини ундиршидан

бир дам тўхтагани йўқ. Ҳар йили пахта-ю, ғалла ҳосилини режадан орттириб бажаришга ўрганган “Патилахон” фермер хўжалиги қирқ чоғлик дала меҳнаткашларининг катта оиласи аслида. Улар биргаликда қилинган меҳнатнинг ширин мевасини ҳам бирга баҳам кўришади. Хўжаликнинг иш унуми, файзи-баракаси шундандир балки.



— Ҳар тола пахта, ҳар бошоқ бугдойда кўзимнинг нури, юрагимнинг қўри борга ўхшайди. Негаки, далага келдим дегунча, ҳамма дардимни унутаман, — дейди Қаҳрамон фермер манглайдан оқаётган заҳмат терларини артар экан. — Бежизга она тупроқ шифойи жон, дейишмайди. Ҳозир пахта майдонлари ўғитланяпти, вақтида оби роҳат билан сийлаш керак. Ўзим бу ишларнинг устиде турмагунимча кўнглим тинчимайди. Набирам Халилulloҳ Хайруллаевда худди ўзимдаги каби тупроққа муҳаббатни кўриб, қувонаман.

Патила она сўхбатни узоқ чўзмади, бизга сўзлайди-ю, кўзи саф тортиб турган ғўза ниҳолларида. Ўзбекистон Қаҳрамининг матонатли, иродаси, қатъияти доимо ғалаба қилиб келган, илло, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

ТЕМИРЧИЛИК ҲАМ ЎЗИГА ХОС САНЪАТ

Тумандаги “Деҳқонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 4652 нафар аҳолининг 387 нафари турли йўналишлардаги тадбиркорлик ишлари билан банд бўлса, шундан 300 нафарга яқини темирчилардир.

— Маҳаллаимиз темирчиликка ихтисослашган, — дейди раис Муталибонов Исмоилов. — Усталаримиз оддий темир қувурлардан тортиб, балиқчилик қайиқларигача, ҳалқ хўжалиги-ю, тиббиётга зарур бўлган юз туддан ортик маҳсулотларни тайёрлашади. Анваржон Йўлчиев, Ҳусанбой Маҳмудов, Ҳабибулло Эргашев,

Жаҳонгир Обидов сингари моҳир темирчи усталар ўз сулоласининг муносиб давомчилари. Улар тайёрлаган маҳсулотлар бутун республикада харидордир. Худудда жойлашган “Темирчи Рустамжон Қўрчиев” оилавий корхонасида иш қизғин. 20 нафарга яқин ишчининг қўли-қўлига теғмайди. Темирчилик ҳам ўзига



хос санъат. Корхона қошида очилган спорт соғломлаштириш маркази, фитнес залда замонавий анжомлар ўрнатилган. У ерда нафақат ишчилар, балки маҳалладошлар ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин. Устахона рўпарасида эса тадбиркор Шукрулло Акбаров томонидан ташкил

КИЧИК НИГОҲЛАРДА ШОДЛИК СУРУРИ

Истиқлол айёми арафасида туманнинг “Ҳасанқўрғонча” МФЙда яшовчи болаларга шодлик улашувчи яна бир макон — янги мактабгача таълим ташкилоти тантанали очилди.

Худуддаги қаровсиз бинони қайта реконструкция қилиб, замонавий болалар боғчасига айлантириш учун 500 млн. сўмдан зиёд маблағ сарф этилди. Хоналарни жиҳозлаш ва пардозлаш ишларига саховатпеша тадбиркорлар кўмак беришди. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 210 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият бошлади. — Маҳаллаимизда янги боғча очилишини ота-оналардан ҳам кўпроқ болажонларимиз кутишди, — дейди 40-ДМТТ мудири Феруза Қамбарова. — Масканимиз ҳасанқўрғончалик ўғил-қизлардан ташқари қўшни “Робот йўли”, “Жийда”, “Михчагар”, “Қўрғон” МФЙ ҳудудларидан 150 нафар

кичикинтойларни ўз бағрига олди. Мўъжаз иссиқхона ва томорқа майдонида сабзавот ва турли экинлар парваришланади. Ёзги ўйин майдончалари, болалар айвончаси, замонавий ўқув-услубий қўзламалар, жажжи китобхоналар учун қизқарлик китоблар, турфа ўйинчоқлар, бари нуридийдаларимиз шодлиги учун хизмат қилаётди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнида 9 та ана шундай янги давлат ва хусусий болалар боғчалари фойдаланишга топширилди. Айни кунларда туманда болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамрови 50 фоиздан ошган бўлса, йил якунига қадар 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

Иккун бўлганимиз, туманда сиз-у бизнинг ҳавас ва муҳаббатимизни уйғотадиган одамлар, бир кўргани қайта чорлай-верадиган маконлар кўп. Айниқса, Биби Убайда, Пошшоирим, Бостонбува, Сўфи Азиз, Бандиқушод каби кўна зияратгоҳлари билан машҳур Бувайда меҳнат муваффақиятлари, юксак ишхўрақларнинг амалий ифодалари билан мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрамига пешвоз чиқаётди. Зотан, халқимизга Мухиддин қори Дарвешов, Аъзам Уктам, Қодир Дехқон, Расул қори Мамадалиев, Махсудулла Хайдаров, Олияхон Султонува сингари фидоий фарзандларни берган, бахтини тинчликдан, файзу баракасини меҳнатдан топган бу замин толеи бугунгидан-да порлоқ.

“ЗАҲРОХОН СТИЛ ДИЗАЙН” МАҲСУЛОТЛАРИ РОССИЯ БОЗОРИДА

Бувайдада ўнлаб трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатади. Тадбиркор Акбаржон Абдулазизов “Бозор ҳам, харидор ҳам кўп. Мухими — сифатли ва арзон маҳсулот” тамойилида иш олиб бориб, ўтган икки йил ичида Ўзбекистоннинг турли вилоятлари бозорларига кириб борди.

Хозирда аёллар ва болаларнинг замонавий дизайндаги кийим-кечаклари нафақат ички бозорга, шунингдек, Россия давлати буртмаси асосида “Захрохон стил дизайн” ёрлиғи остида тайёрланмоқда. 20 нафардан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилаётган хусусий корхонада Хитой ва Туркия давлатларидан келтирилган тикув, бичув ва гул босувчи ускуналар ишчилар меҳнатини осонлаштириш баробарида, маҳсулотнинг янада сифатли бўлишига хизмат қилмоқда.



Бугуннинг гапи

МАЪНАВИЯТ — энг муҳим ва ҳамма шуғулланиши керак бўлган масала

Маънавият миллатни тараққийга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Зеро, инсоннинг жамияттаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий кифоси билан белгиланади.

Бугунги глобаллашув даврида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш давлат сиёсати даражасида кун тартибига чиқди.

Маънавият масаласи барча учун дахлдор. Ҳўш, вилоятимизда маънавий-маърифий ишлар тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

«Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва ташиқот ишларини ташкил этишнинг 7 та асосий йўналишларини белгилаб олган ҳолда таъсирчан, креатив ва инновацион услублар орқали тарғибот ишлари олиб борилмоқда, — дейди Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Хурсано Исломова.

12 та шаҳар ва туман марказларида Қўштепа тумани мисолида «Маънавият ва маърифат маскан»лари барпо этилиши режалаштирилган. 65 та бошқарма ва ташкилотлар ҳамда ҳудудий бўлинмалар томонидан маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятни мувофиқлаштиришга қаратилган икки томонлама «йўл харита»лари ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда.

Ҳар бир ҳудудда маънавий-маърифий соҳада илғор тажрибалар бор. Шаҳар ва туманлар ўртасида «Энг намунали туман» кўрик тилловида иштирок этиш учун вилоят ҳокимилик билан келишилган ҳолда Бувайда тумани танлаб олинди ва Республика Маънавият ва маърифат кенгашига тавсия этилган.

Эшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш, бу борадаги тарғибот ишларини кучайтириш муҳим вазифалардан саналади.

Ҳудудларда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш ҳамда Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси доирасида турли тарғибот тадбирлари, учрашувлар, мулоқотлар ўтказиб келинмоқда.

Афсуски, айрим ташкилотлар ва бошқармалар маънавият масаласига бефарқлик билан муносабатда бўлмоқда. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, унинг янги тизимини яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар қорғозда қочган, ҳоло, амалий ишлардан дарак йўқ.

Президентимиз шу йилнинг 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида бу борада аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.

Замонамиз қаҳрамонлари

Данғаранинг деҳқончилик учун жуда нуқулдай қумлоқ ерларида сувнинг кадри олтинга тенг эканлиги асло муболага эмас.

Қутилмаганда сурон солиб қоладиган Қўқон шамоли қум барханлари узра умид билан ерга уруғ қадаётган, эзгу ниятда она заминдан ҳосил кутаётган деҳқон юрагига қўрқув солишга уринаверади.

Сув ёқалаб...



елга бош бўлган отам деҳқончиликда гирромлик кетмайди, кетмоннинг чагнидан келадиған насиба энг ҳалол रिққ болам, дерди ҳамиша, — дея хотирлайди ота касбини иулуғлаётган фермер.

кечиксангиз, бу хато жуда қимматга тушади, — дея сўхбатимизни давом эттиради қаҳрамонимиз.

Бу одамга ютуқлари ҳаққида гапирсангиз, мақтовни ёқтирмаслигини айтиди. Шойрона ибора билан бизлар ишлаганимиз, бу меҳнат ҳоло, дея жил-майи қўяди.

Ботир ОМОН.

Кичик саноат зоналарида

ИШ НАТИЖАСИ ШАРОИТ ВА ИШОНЧГА БОҒЛИҚ

Мамлакатимизда иқтисодий тармоқлари ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Албатта, бу борада олиб борилаётган чора-тадбирларда янги иш ўринлари яратиш, импорт ўрини босувчи сифати ва рақобатбардор маҳсулот турларини кўпайтириш, маҳаллий малакали кадрлар истеъдодидан умумий фойдаланиш каби энг мақсадлар қўзланган.

ўринбосари Шерхон Камолдинов. Ҳолатни ўрганиш учун ҳудудга бордик. Қўли-қўлига тегмай ишлаётган курувчилар, жиҳоз ва ускуналарни ташиб келтириш билан машғул тадбиркор ҳашарчилар билан гавжум маскан том маънода ғайрат-шижоат, ташаббускорлик майдонига айланган улгурган. Ким билан гаплашсангиз, яратилаётган шариоитлардан мамнуналигини билдиришга шошадик.

— Оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимизга ўн йилдан ошди, — дейди 34 ёшли Саидомилхон Юнусов. — Асосан буортта билан ишлаймиз, зангланмас металлдан 30 га яқин турда маҳсулот ишлаб чиқарамиз:

мани яратиб берамиз дейишгани учун бу ерга келдик. Айтиш керакки, тадбиркорлик ва ишбилармонликда ҳар бир ҳудуднинг ўз «драйвер»и бўлади, яъни муайян маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотишга ихтисослашув катта аҳамиятга эга.

оширилган, трансформатор, симёбочлар ўрнатилган, сув ва газ қувурлари учун ҳандақ қазилган. Лекин вақтинчалик уланган қўлбола электр симлари, олиб келинган хали ётқизилмаган қувурлар, тош-шағал ва чанг йўллар ташаббускорларнинг юрагига гўлгула солаётгани ҳам бор гап.



Ҳаётжон БОЙБОБОВ.

Кун мавзуси

БОСМА ОАВга ЭЪТИБОР ва РАҒБАТ ЗАРУР

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Президентини ахборот ва оммавий коммуникация агентлиги директори Асаджон Ходжаев иштирокида юзма-юз мулоқот бўлиб ўтди.

«Газеталар яшаб қоладими? Бу соҳада фаолият кўрсатётган журналистларнинг эртанги тақдирини нима бўлади?», — деган аниқ саволларга жавоб изланди.

Table with 2 columns: Title and Content. Contains news items about media and journalism in Fargona.

ЛАВАНДА ФЕСТИВАЛИ: ИЛК БОР ВА БЕТАКРОР



Хароратли ёз оқшомларида она табиатнинг фусункор қиёфаси янада ёрқин тус олади. Бундай пайтларда тоғ ва адирлар маликаси - лаванда қийғос гуллаб, бинафшаранг тўлқинлар мавжланаётгандек тасаввур уйғотади. Ишил далалар ниҳоясида уфққа ботиб бораётган алвонранг қўёш тасвири эса янада гўзал.



лиш, айниқса, махсус рецепт асосида тайёрланган лавандали таомлар, музқаймоқ ва салқин ичимликлардан татиб кўриш, ҳаммаси ёқимли ва роҳатбахш. — дейди қирғизистонлик Сардар Ҳақимов. — Лавандазордаги унутилмас фотосессиялар бу ёрқин лаҳзаларимизни йил давомида эслатиб туради.

Фестивалга Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Малайзия каби ўнлаб давлатлар, республикамизнинг Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Наманган ва Андижон вилоятларидаги сайёҳлар, инфлюенсерлар, фотосессия иҳлосмандлари, моделлар, санъаткорлар, журналистлар ва блогерлар ташрифи давом этмоқда.

— Юздан ортиқ турдаги экологик тоза махсулотлар, масалан, шифобахш лаванда ёстиқлари, лавандали музқаймоқ, лаванда шарбати, лавандали таомлар — барчаси фестивал иштирокчилари ихтиёрида. Бу гўзал ва фойдали манзаралар тароватини ҳар ким ўзича кашф этмоқда, — дейди "Меҳриғий" хусусий корхонаси ижрочи директори Хондамир Нуриддинов. — Бу йил илк мартада ўтказилаётган фестивални бутун республикамиз бўйлаб ёйиш, уни юртдошларимиз ҳаётидаги завқли экзотикага айлантириш ниятидамиз.

Фестиваль нафақат гулларни севувчилар, бу ноёб ўсимлик билан таниш бўлмаган ҳар қандай ёшдагилар учун ҳам қизиқарли. Мақсад эса одамларнинг экзотикага бўлган меҳрини ошириш, лаванданинг турли соҳалардаги аҳамияти, хусусиятларини кўрсатиш, бу бетакрор гул ошиқлари сонини кўпайтиришдир.

Дилнавоз Қўлдошева.

А йни кунларда Учкўприк туманида мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган Лаванда фестивали юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар нигоҳида экзотика ва табиёт туризмнинг муштарак байрами, инсон руҳиятига бетакрор кайфият олиб кирувчи тантанасида таассурот қолдирмоқда. "Меҳриғий" хусусий корхонасига қарашли "Доктор Али" саломатлик боғи жорий йилнинг 6 июнидан 16 июнига қадар давом этадиган Лаванда фестивалига мезбонлик қилмоқда. Экотиббиётнинг бетакрор намунасига айланган гўшада афсонавий лаванда гулини мадҳ этувчи кадрдон қўшиқ садолари янграб туриб, мусиқага ҳамоҳанг сўзлар эса бинафшаранг товланаётган лавандазорлар ичра сайр қилаётганлар ҳаяжонини янада

оширади. Фестиваль доирасида лаванда гули ва ифорида тайёрланган махсулотлар қўлғамаси, папайя, банан, годжи, киви, зайтунзорлардан иборат саломатлик боғи бўйлаб экзотика, мутахассисларнинг бепул тиббий кўриги, кўнгличлар концерт ва шоу дастурлари бу ерга ташриф буюрувчиларга унутилмас лаҳзаларни тўхфа этаётди. — Энди ҳар йили ёзнинг илк кунларида Ўзбекистонга, Фарғонага саёҳат қилишга тайёрман, — дейди россиялик Павел Симонов. — Қрим ўлкаларида бўлиб ўтадиган лаванда байрамларида қатнашганман, бироқ бу ердаги табиат мўъжизаларининг уйғунлиги, қўлай об-ҳаво, ҳатто одамлардаги кайфият ҳам мени мафтун этди. — Лаванда плантацияларининг бетакрор гўзаллигидан баҳраманд бў-

"Ёшлар ойлиги" давом этмоқда

Юртимизда қандай ислохотларга қўл урилмасин, аввало, ёшларга, уларнинг куч-ғайрати, азму шижоатига суняилиши Давлатимиз раҳбари томонидан кўп бора эътироф этилган. Чиндан ҳам, мамлакат ўз олдига улкан марралар қўяр экан, бу йўлда бирлашиб катта кучга айланган, фидойи ва ватанпарвар ёшлар энг биринчи ишонч тимсоли сифатида тан олинмоқда.



ФИДОЙИ ВА ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР - КАТТА КУЧ



Ю ртимизда 30 июнь — Ёшлар кунини кўтаринки кайфиятда ўтказиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида июнь ойи давомида «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шiori остида «Ёшлар ойлиги» ўтказилмоқда. Юксак ишончга муносиб йигит-қизларни кашф этиш, тараққиёт модели, Ўзбекистоннинг Бебаҳо хазинаси бўлган ёш авлод иқтидори ва изланишларини рўёбга чиқариш мақсадига қаратилган. 30 дан ортиқ креатив лойиҳаларни ўз ичига олган ойлик Фарғонада ҳам қизиқарли ва ёдда қоладиган лаҳзаларга бой ўтмоқда.

ларининг саралаш босқичига ҳам старт берилди. Интеллектуал салоҳиятли ёшларни жам қилган "Брейн ринг" лойиҳасида 70 нафардан зиёд иштирокчилар қатнашди. Бунда 3 раунд давомида бештадан саволга тез ва тўғри жавоб бера олган "Ре-юнион", "Водий" ва "Лирика" жамоалари фойлибикни қўлга киритишди. Баскетбол мусобақасининг вилоят босқичи спортчи қизларни кашф этди. Финал босқичида Қува, Данғара туманлари ва марғилонлик тенгдошларидан устун келган Қўштепа тумани қизлар жамоаси ғалаба қозониб, республика босқичида иштирок этадиган бўлди.



Ойликнинг 10-14 кунларида бўлиб ўтган ўндан ортиқ тадбир, илмий-ижодий баҳс, кўриктанлов ва мусобақалар минглаб вилоят ёшларини бирлаштирди. Ёшларнинг турли йўналишлар бўйича билим ва кўникмаларини синовдан ўтказувчи "Street work out", йигит-қизларда ижтимоий фаоллик ва жамиятга дахлдорлик ҳисси, волонтерлик қобилиятини оширишга қаратилган "Волонтер — мен, волонтер — сен!" лойиҳаси, интеллектуал ўйин ишқибозлари орасида "Тасдиқ ва инкор жанги" номини олган "Мунозара" баҳси кўтаринки рўхта ўтди.

Ойлик доирасида ўтказилган "Тез ўқиш" мусобақасида фаол иштирок этган 100 дан ортиқ иқтидорли ва зехни ўткир ўқувчилар катталарини ҳам хайратга солди. Матни тез ва равои ўқишда Дилорам Асқарова, Зулайхо Эргашалиева, Зулхумор Тоҳалиевага тенг келадигани топилмади.



Шунингдек, ойлик доирасида "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизлар учун "Softskill IT academy" томонидан бепул "Компьютер самодонлиги" курси ташкил этилди. "Uzbekistan fashion week" лойиҳаси республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқи учун Фарғона, Андижон, Наманган ва Қўқон шаҳарлари ёш дизайнер-

Ойлик доирасида Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Бағдод тумани ўқув спорт техника клубида "Очқик эшиклар кунини" ўтказилиб, "Ёшлар дафтари"даги 50 нафар ёш мақур клубда электр пайвандчилик ва ҳайдовчилик йўналишларида имтиёзли таълим олиши учун махсус сертификатлар топширилди. Вилоятимизнинг Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Қўштепа, Учкўприк, Буйдаш ва Олтиариқ туманларида бўлиб ўтган "Ҳокимнинг ёшларга мурожаати" очик мулоқотида ҳудуд ёшларининг муаммо, тақлиф ва ташаббуслари тингланди. Бугун — 15 июнь кунини "Қувноқлар ва зукколар" кўриктанловига старт берилди. Олдинда эса "Дуэл", "Вазир ва ёшлар", "Ёшлар театр студиялари" лойиҳалари, "Ёш шахматчи", киберспорт мусобақалари, "Ёшлар паради" ва "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шiori остидаги гала-концерт Фарғона дилбандларини кўтмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Барақа — меҳнатда

Эл дастурхони НОНГА ТЎЛСИН!

Фарғона тумани, Аввал қишлоғида "Ҳомиджон-Исломжон" қолипли нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона махсулотлари ҳудуддаги бозор ва савдо дўконларида харидорлири.

Т адбиркор Маъруфжон Маҳмудов эл дастурхонига икки турдаги нон ва тўрт хил патири етказиб бермоқда. — Дастлаб 4 нафар ишчи билан иш бошлаганмиз, ҳозир 15 нафардан ортиқ ишчилар икки сменада меҳнат қилишади. Яқинда Қўқон патирини ҳам ёпишни бошладик. Мақсадимиз — элимиз дастурхони тўқинлигига ҳисса қўшиш, — дейди тадбиркор. Мазкур цехда бир ой давомида 15 тонна ун қайта ишланади. Бир кунда минг дона қолипли нон ва олти юз дона патири ишлаб чиқарилмоқда. Тадбиркор келгусида қандолат махсулотлари ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратиш ниятида.

Фотима МАҲМУДОВА.



Нон — энг бебаҳо, азиз неъмат. Унинг ушғоғини кўзимизга суртиб, эҳтиётлаб, покиза жойга қўйишимизнинг боиси нонга бўлган ҳурматимиз ва эътиқодимизнинг рамзидир.

Чимён патирилари

Ф арғона тумани, Чимён қишлоғида истиқомат қилувчи Юсуповлар сулоласи қарийб саксон йилдан буён новвойчилик билан шуғулланиб келади. Машҳур Чимён патирининг яратилишида сулола етакчиси Рустамжон Юсуповнинг ўрни бекиёс. Сулола бошининг ўғли Каримжон Юсупов фарзандлари Абдумухтор, Абдуҳошим, Илҳомжон Юсупов билан шу шарафли касбни давом эттириб келмоқда. Улар новвойлик туфайли халқ ҳурматини қозонган. Турли маросимларда, тўй-у ҳашамларда

Новвойлар сулоласи

дастурхон кўрки бўлган патирилар тайёрлаш жараёни бошқа нонларникидан кескин фарқ қилади. Оғирлиги 1 кг 100 гр, диаметри 50-60 см бўлган бу патириларга махсус патнис ёрдамида шакл бериллади. — Бир қоп ундан 65, 70 га яқин патири-

лар тайёрлаймиз, — дейди катта новвой Абдумухтор Юсупов. — Кунига тўрт юзга яқин нон ёпиб, қишлоқ марказидаги иккита савдо дўконимизга чиқарамиз. Ҳозирда икки шоғирдимиз ўз касбининг устаси бўлиб, мустикал фаолият юритмоқда. Яна икки нафари новвойлик сирларини кунт билан ўрганмоқда. Чимён патириларининг юза қисмига кўпроқ кунжўт ва седана сепилади. Бу узоқ вақт қотмаслигини таъминлайди. Чимёнга келганлар, албатта, патиридан харид қиладилар. Германия, АҚШ ва бошқа давлатлардан келган сайёҳлар номимиздан олиб кетади. Ҳаловатидан кечиб, туңларни бедор ўтказётган машаққатли касб эгалари бўлган новвойлар меҳнати элда қадрланади.

Гулноза БОҚИЕВА.

Футбол

Икки мазлубиятдан сўнг ғалаба



Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг Про лига жамоалари навбатдаги тур учрашувини ўтказди. Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси ўз майдонида "Янгиер"ни қабул қилди.

Учрашувда майдон эгаларининг устунлиги сезилиб турди. Меҳмонлар асосан ҳимояда тургани ҳолда, қарши ҳужумга ўтиб туришди. "Нефтчи"нинг шиддатли ҳужумлари кўп бўлган бўлса-да, фақат икки марта рақиблари дарвозасини аниқ нишонга олишга муваффақ бўлишди. Марко Обрадович 29 ва 50 дақиқаларда тўп киритиб, жамоа ғалабасини таъминлади. "Нефтчи" 10 ўйиндан кейин 22 очко жамғариб, турнир жадавлинини бошқариб турибди.

Самарқанднинг "Динамо" ва Тошкентнинг "Олимпик" жамоаларида 20 тадан очко бор. — Уйинда ғалаба қозонишимиз шарт эди, чунки бундан аввалги кетма-кет иккита учрашувда 5 та гол ўтказиб юбориб, мағлуб бўлган эдик. Бугун йигитларимизнинг барчаси яхши ўйнади. Кейинги беллашувларга ҳам жиддий тайёргиларни кўрамиз ва муҳлислар ишончини оқлаймиз. Мақсадимиз Суперлигага қайтиш, — деди матбуот анжуманида "Нефтчи" бош мураббийи Илҳомжон Мўминжонов.

Р. ЖУМАЕВ.

Publication information including publisher (MUASSIS), editor (Muxammadjon Obidov), address (Fergana), and contact details.